

2-1-2021

## HOW TO INCREASE THE FINANCIAL STABILITY OF THE OFF-BUDGET PENSION FUND?

B. Mamatov PhD, associate prof.  
*Finance Institute of Tashkent*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Mamatov, B. PhD, associate prof. (2021) "HOW TO INCREASE THE FINANCIAL STABILITY OF THE OFF-BUDGET PENSION FUND?," *International Finance and Accounting*. Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 2.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss1/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**И.ф.н., доцент Б.С.Маматов**  
*Тошкент молия институту*

## **БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН?**

Мақолада пенсия таъминоти тизимининг жаҳон тажрибалари ва ислоҳ қилиш йўналишлари ёритилган. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларнинг пенсия моделлари, яъни авлодлар бирдамлигига асосланган давлат пенсия тизими, жамғариб бориладиган пенсия тизими ва нодавлат пенсия таъминоти тадқиқ қилинган. Ўзбекистонда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари таркиби ва молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган, Пенсия жамғармаси даромадларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ва унинг пасайиш тенденциясининг сабаблари очиқ берилган. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** пенсия, пенсия таъминоти, пенсия тизими, пенсия модели, уч даражали пенсия, пенсия ёши, бандлик, яширин иқтисодиёт, пенсия суғуртаси бадали.

**PhD, associate prof. B.S.Mamatov**  
*Tashkent Institute of Finance*

## **HOW TO INCREASE THE FINANCIAL STABILITY OF THE OFF-BUDGET PENSION FUND?**

The article reveals the directions of reforms and the world experience of the pension system. In particular, the pension models of a member country of the Organization for Economic Cooperation and Development have been studied, i.e. investigated the state pension system based on the solidarity of generations, the accumulative pension system and the non-state pension system. The factors influencing the financial stability and the structure of income of the off-budget Pension Fund are analyzed, the share of the income of the off-budget Pension Fund in the country's gross domestic product and the reasons for their downward trend are revealed. Based on international practice, scientific proposals and practical recommendations have been developed to improve the financial stability of the off-budget Pension Fund.

**Keywords:** pensions, retirement benefits, pension system, pension model, three-tier pension, retirement age, employment, shadow economy, pension insurance premium.

### **Кириш**

Жаҳон банки (World Bank), Бирлашган миллатлар ташкилоти (UN – United Nations) ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO – International Labour Organization)нинг маълумотларига кўра, «Жаҳон миқёсида пенсия ёшига етган шахсларнинг 68 фоизигина пенсия таъминотидан баҳраманд, аммо аксарият мамлакатларда бундай тўловларнинг ҳажми кексаларнинг камбағалликдан қутилишига имкон бермайди» [1]. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан қабул қилинган «Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида»ги 102-сонли Конвенцияда [2] барча

мамлакатлар ўз фуқаролари учун ижтимоий таъминотнинг минимал миқдорларини кафолатлашига эришиши лозимлиги кўрсатилган.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ҳар қандай мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларига дахлдор бўлган пенсия таъминоти ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши ҳисобланиб, ривожланган ва жадал ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий таъминотнинг минимал миқдорларини кафолатлашда марказий ўринни эгаллайди ва муҳим ижтимоий кафолат сифатида намоён бўлади.

Сўнгги 10 йилликда Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими қулай демографик вазият шароитида фаолият кўрсатди. Бироқ, аҳолининг қариш жараёни пенсия тизимининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжининг янада ошишига олиб келади. «Сўнгги йиллардаги демографик тенденциялар Ўзбекистон аҳолисининг ёшига доир ўртача қариш кўрсаткичларини тезлаштиради. Бу тенденция, ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминоти тизимларининг молиявий ҳолатини истиқболда жиддий мураккабликларга дучор қилиши мумкин» [3]. Бир вақтнинг ўзида, ишловчилар ва пенсионерларнинг ўзаро нисбати тубдан ўзгариб бормоқда ва туғулиш даражасининг ўзгаришсиз қолиши шароитида демографик юклама коэффициенти (меҳнатга лаёқатли ҳар 100 нафар аҳолига тўғри келувчи пенсия ёшида шахслар) ўсиб боради. Шу муносабат билан республика пенсия тизимининг асосий вазифаси пенсия суғуртасини ривожлантириш орқали узоқ муддатли истиқболда Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз томонидан: «...пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим» [4] эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўз навбатида, пенсия таъминотининг яхшиланиши пенсия тизимининг молиявий барқарор бўлишини тақозо этади. Шу муносабат билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш долзарб масала ҳисобланади.

### **Адабиётлар шарҳи**

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари кўплаб олим ва мутахассислар томонидан илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилмоқда. Жумладан, Маринелла Кадони, Роберта Мелис, Алессандро Труддаларнинг тадқиқотларида ривожланган давлатларнинг демографик тузилиши ва меҳнат бозори билан боғлиқ масалалар, пенсия фондлари йиллар давомида катта сармоялар тўплашини англаштириши, улар институционал инвесторлар сифатида фонд бозорларида муҳим рол ўйнаши тадқиқ этилган [5]. Йибинг Чен, Кселей Сун, Жианпинг Лилар ҳам мазкур масалани тадқиқ қилишган, уларга кўра ривожланган мамлакатларида пенсия фондларининг даромадлари, нафақат, бадаллар ва мажбурий тўловлар, субсидиялардан, шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятидан ҳам шаклланади. Ҳозирда тақсимланувчи тамойил асосида ташкил этилган ижтимоий таъминот тизимини комбинациялаш эвазига

унинг маблағлари профессионал инвестицион фаолиятда фойдаланилади, бироқ бу тизим мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб турличадир. Ўзига мос инвестиция мақсади ва риск сиёсатига эга бўлмаган пенсия фондлари, одатда, уни ўта даражада хатарли, деб ҳисоблашади. Шунинг учун ҳам инвестицион қайтим инвестицияга йўналтирилган маблағлар каби кам бўлади, бу эса активларни жойлаштириш жараёнини осонлаштиради [6].

Пенсия тизими соҳасидаги таниқли олимлардан В.Д.Роикнинг фикрича, меҳнат билан банд бўлган ҳар бир фуқаро пенсия фондига ижтимоий суғурта бадаллари тўлашлари лозим. Шунингдек, пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини оширишда нодавлат пенсия тизимининг муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган [7]. Л.В.Федоровнинг илмий тадқиқотларида авлодлар бирдамлигига тамойилига асосланган тақсимланувчи пенсия тизими давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертларсиз пенсия таъминотини амалга ошириш имконига эга эмаслиги қайд этилган. Халқаро тажрибалар асосида кўп даражали (давлат пенсиялари, жамғариб бориладиган пенсия ва хусусий пенсия фондлари) пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш тавсия этилган [8]. С.Н. Орлов, А.П. Шеметов илмий асарларида пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига демографик омиллар, имтиёзли шартдаги пенсиялар ва муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳолатлари, ишсизлик даражаси, норасмий секторда банд бўлганлар улуши, пенсия фондларига ижтимоий суғурта бадаллари тўловчилари сонининг камайиб бориши каби омиллар таъсири тадқиқ этилган. Пенсия тизимини ислоҳ қилиш ва пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини яхшилаш мақсадида тақсимланувчи пенсия тизимидан жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтиш, давлат пенсия таъминотидан босқичма-босқич хусусий пенсия таъминотига ўтиш зарурлиги асослаб берилган [9].

Мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан А.Вахабов ва Н.Мажидовнинг илмий тадқиқотларида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг инвестицион фаолликка таъсири тадқиқ этилган ва уни ривожлантириш йўналишлари асослаб берилган, пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари асосида миллий пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган [10]. Проф. Б.Умурзаков томонидан бозор иқтисодиётининг шаклланиши шароитида меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий хулосалар берилган [11]. Пенсия тизимини ислоҳ қилишнинг жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари проф. Р.Далимов томонидан асослаб берилган [12]. И.ф.д. Д.Рустамов томонидан Ўзбекистонда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ қилинган ва бу борада илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган [13].

### **Таҳлил ва натижалар**

Дунёнинг турли мамлакатларида пенсия тизимлари бир-бирдан сезиларли даражада фарқ қилади ва бу нарса мамлакатнинг иқтисодий, демографик, маданий ва ижтимоий-сиёсий хусусиятлари билан изоҳланади.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган пенсия тизимининг тақсимот модели амал қилади, яъни ҳозирги пенсионерларнинг пенсияси ишловчи фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Тақсимот моделидан фарқли равишда жамғариб бориладиган пенсия модели фуқароларнинг ўз пенсияси учун пул маблағларини ўзлари томонидан жамғариб борилишини назарда тутди. Шундай қилиб, пенсия ишловчиларнинг бутун меҳнат фаолияти даврида тўланган суғурта бадаллари билан аниқланади.

Ҳозирги кунда дунёнинг ҳеч бир мамлакатада пенсия таъминотининг тақсимот ва жамғариб бориладиган моделлари соф ҳолда учрамайди. Деярли барча мамлакатларда тақсимот ва жамғариб бориладиган пенсия моделлари аралаш тарзда амал қилади, шунингдек айрим мамлакатларда пенсия моделининг III даражаси ҳам мавжуд. Бу тизим фуқароларнинг кексалик чоғида ижтимоий таъминоти даражасини ошириш мақсадида ихтиёрий равишда шакллантирилувчи жамғармаларни назарда тутди.

Халқаро амалиёт кўрсатишича, аксарият мамлакатларда – тақсимланувчи давлат ҳамда мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган – аралаш пенсия тизимлари амал қилмоқда. «Пенсия тизимининг аралаш тури молиявий барқарорлик ва тўланаётган пенсия даржаси нуқтаи назардан самарали ҳисобланади» [14].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатларнинг 34 тасида пенсия таъминоти уч манба ҳисобидан амалга оширилади [15]:

– давлат томонидан белгиланган мажбурий пенсия (Янги Зеландия ва Ирландиядан ташқари, ушбу мамлакатларда барча кекса ёшдаги фуқароларга бюджетдан ижтимоий нафақа берилади, унинг миқдори мамлакатдаги ўртача иш ҳақининг 40 фоизини ташкил қилади). 27 та мамлакатда тақсимланувчи пенсия тизими амал қилади, уларнинг 5 тасида (Эстония, Норвегия, Польша, Словакия ва Швеция) тақсимланувчи пенсия тизими билан бирга жамғариб бориладиган (фондлаштирилган ҳолда) пенсия тизими элементлари ҳам амал қилади. Яна 5 та мамлакатда (Австралия, Чили, Дания, Исроил ва Мексика), асосан, фондлаштирилган пенсия тизими амал қилади;

– мажбурий, яъни касбий (меҳнат) пенсиялари. Бу турдаги пенсиялар миллий қонунчилик, тармоқлар келишуви ёки жамоа шартномалари билан белгиланади ва иш берувчилар томонидан, айрим ҳолларда эса ишчилар томонидан молиялаштирилади;

– ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсиялар (20 та мамлакатда иш берувчи ўз ишчиларининг пенсияларини ўзи белгилаши ва молиялаштириши мумкин).

«ИХТТ мамлакатларида пенсия таъминоти ЯИМнинг 8 фоизини ташкил

қилади ва бу кўрсаткич 1980 йилга нисбатан 2,2 ф.п.га кўп демакдир» [16]. Пенсия бадаллари ИХТТ мамлакатлари миллий даромадининг 5,2 фоизини ташкил қилади.

ИХТТга аъзо мамлакатларнинг аксариятида юқори даромад билан меҳнат фаолиятини яқунлашнинг умумқабул қилинган даври эркакларда 65 ёшни ташкил қилади. Аксарият мамлакатлар учун сўнгги йилларда пенсияга чиқиш ёшининг оширилиш тенденцияси характерлидир. Бундай ҳолат ушбу мамлакатларда ўзига хос демографик муаммоларнинг мавжудлигини англатади.

Пенсияга чиқишнинг узоқ даври Норвегияда ҳам кузатилади (67 ёш). Фарб мамлакатларида фуқароларнинг ҳаёт давомийлиги ўзгармаган ёки бироз ошганига қарамасдан меҳнатга лаёқатли аҳоли сони қисқариб бормоқда ва кекса ёшдаги аҳоли сони эса ўсиб бормоқда. Бу ҳол барча меҳнатга лаёқатли аҳоли зиммасидаги «пенсия юки»нинг ошишини билдиради ҳамда, нафақат, турли мамлакатлар пенсия тизимининг молиявий ҳолатига, балки, истиқболда иқтисодий тараққиётга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ИХТТ мамлакатлари, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган тараққий этган мамлакатларнинг аксарияти уч даражали пенсия тизимига эга. Биринчи даража – бу тақсимланувчи пенсия тизими. Бунда иш берувчи ва ишловчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан давлат мажбурий пенсия суғурта тизими жорий етилган. Иккинчи даража – бу корпоратив (жамғариб бориладиган) пенсия бўлиб, бунда корхона ёки тармоқ даражасида ишчилар учун қўшимча суғурта бадаллари жорий етилган. Учинчи даража – бу хусусий (жамғариб бориладиган) пенсия бўлиб, бунда ишчининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратмалар нодавлат пенсия фондида, суғурта компаниясига ёки кредит ташкилотига шартнома асосида ихтиёрий тартибда амалга оширилади. Ишчиларнинг ўз пенсия жамғармаларини рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан муайян солиқ имтиёзлари белгиланади.

Сўнгги ўн йилликда ИХТТ мамлакатлари пенсия таъминоти тизимида олиб борилган таркибий ислохотлар натижасида «авлодлар бирдамлиги» принципига асосланган тақсимланувчи пенсия тизимининг аҳамияти пасайиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг роли ошмоқда ва пенсия тизими диверсификациялашиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ИХТТ мамлакатларида пенсия тизимини ислох қилиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:


- пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш (Австралия, Австрия, Белгия, Дания, Германия, Греция, Исроил, Ирландия, Испания, Италия, Жанубий Корея, Нидерландия, Полша, Словения, АҚШ, Туркия, Франсия, Чехия, Эстония, Япония);
- минимал меҳнат стажига бўлган талабларни ошириш (Белгия, Буюк Британия, Полша, Словения, Чехия);
- кеч пенсияга чиқишни рағбатлантириш (Германия, Италия, Канада, Жанубий Корея, АҚШ, Франсия, Швейцария, Япония);

– мuddатидан олдин пенсияга чиқиш шартларини кучайтириш (Австрия, Белгия, Германия, Дания, Исроил, Исландия, Жанубий Корея, Янги Зелландия, Португалия, АҚШ, Франция, Швейцария, Япония);

– фуқаролар иш ҳақидан пенсия фондларига мажбурий тартибда пенсия суғуртаси бадали тўлаш тизимининг амал қилиш, чунки ИХТТнинг таснифига кўра, пенсия фонди (пенсия дастурлари) йиғиладиган бадаллар ҳисобига пенсия тўловларини молиялаштиришни англатади.

Бундан кўринадики, ИХТТга аъзо мамлакатларда барча фуқаролар ўз иш ҳақларидан пенсия фондларига ижтимоий суғурта бадалини тўлаб боради. Аксарият ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда пенсия суғуртаси тизимига бадал ишчи ва иш берувчи томонидан тенг улушларда (бадал миқдорининг 50 фоизи ишчи ва 50 фоизи иш берувчи томонидан) тўланади. Масалан, Германия, Жанубий Корея ва Қозоғистонда пенсия суғуртаси учун бадал миқдори тенг улушларда тўланиши белгиланган.

Ўзбекистонда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг мамлакат ЯИМдаги улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, мазкур кўрсаткич 2019 йилда 5,9 фоизни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 1,3 ф.п.га камайган. Бундан манзара ЯИМнинг ўсиш суръатлари Пенсия жамғармаси даромадларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлганлигини кўрсатади ва мамлакатни модернизация қилиш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида Пенсия жамғармаси даромадларининг камайишига «2019 йилдан фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадалларининг (8%) бекор қилиниши» [17] ўз таъсирини кўрсатган. 2010-2019 йилларда Пенсия жамғармасининг харажатлари қарийб 5 баробарга ортиб, 114 фоиздан 128 фоизгача ўсган.



**1-расм. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши (фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>**

Мазкур ўзгартиришлар 2019 йилда Пенсия жамғармаси тушумларини 8 трлн. сўмга камайишига олиб келган. Пенсия жамғармасининг даромадлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ва харажатлари балансини ҳамда пенсия тўловларининг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан 2019 йил учун 4,7 трлн. сўм, 2020 йил учун 8,0 трлн. сўм миқдорида трансферт ажратилган ва 2021 йил учун 14,7 трлн. сўм миқдорида трансферт ажратиш кўзда тутилган [18]. Бундай ҳолат Пенсия жамғармасининг молиявий б арқарорлигини яхшилаш юзасидан тегишли чоралар кўрилиши зарурлигини кўрсатади.

### **Хулоса ва таклифлар**

*Биринчидан*, пенсия таъминоти тизимининг «таксимот» моделини модернизация қилиш керак. Бунинг учун ишчи кучи иштирокини ошириш мақсадида меҳнат бозорини ислоҳ қилиш талаб этилади, хусусан, яширин бандликни ва иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини камайтириш зарур. Собиқ Иттифоқ таркибига кирувчи аксарият мамлакатларда ҳам асосий муаммолардан бири яширин иқтисодиёт ва норасмий бандлик даражасининг юқорилигидин. «Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирига оид тадқиқотларда яширин иқтисодиёт даражаси ЯИМга нисбатан 40-50 фоиз атрофида эканини кўрсатди» [19]. Бу жуда катта кўрсаткич (аксарият ривожланган давлатларда яширин иқтисодиётнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши 7-15 фоиз оралиғида, АҚШ, Австрия, Швейцарияда 10 фоизга етмайди). «2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонда иш билан банд аҳолининг норасмий сектордаги улуши жами меҳнат ресурсларининг 58,2 фоизини ташкил этди» [20]. Мазкур муаммоларнинг босқичма-босқич бартараф этилиши кўшимча пенсия маблағларини жамғариш орқали пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

*Иккинчидан*, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг пенсия тизимини молиялаштириш тажрибаларидан келиб чиқиб, фуқаролар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадалларини қайта жорий қилиш зарур.

*Учинчидан*, пенсия таъминоти тизими бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларига асосланиб ҳамда Ўзбекистон аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги, мамлакатнинг ижтимоий сиёсати, иқтисодий тараққиёти, янги иш ўринларининг яратилиши ва аҳолининг бандлиги, аҳолининг турмуш фаровонлиги каби омиллар ҳисобга олиб, пенсия ёшини босқичма-босқич ошириш лозим. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунёда эркак ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёши ўртача 62 ёшни ташкил қилади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,5 ёшга тенг (аёллар учун 55 ёш, эркаклар учун 60 ёш) ва бу пенсия ёши дунёдаги энг қуйи ёшлардан бири ҳисобланади.

*Тўртинчидан*, ИХТТга аъзо бўлган мамлакатларда амалга оширилган ва оширилаётган пенсия ислохотлари тажрибаларидан келиб чиқиб, III даражали пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш керак. Жумладан: I даража – авлодлар бирдамлиги принципага асосланган тақсимланувчи пенсия тизими (минимал давлат пенсияси); II даража – жамғариб



бориладиган пенсия тизими (ишловчилар учун); III даража – нодавлат пенсия тизими (хусусий пенсия фондларини ташкил этиш). Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, тақсимланувчи, жамғариб борилувчи ва аралаш тизимга асосланган кўп даражали пенсия таъминоти пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ва бир мунча самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, қулай макроиктисодий ва демографик шароитларни яратмасдан туриб, пенсия тизимини ислоҳ қилиш имконсиз: туғилиши даражасининг барқарорлиги таъминлаш; ўлим даражасини камайтириш; иш кучи миграциясини такомиллаштириш; меҳнат унумдорлигини ошириш ва шунга монанд равишда иш ҳақи миқдорларини ошириш; бандликнинг ўсишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш; инфляция даражасини пасайтириш.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашга имкон беради ҳамда фуқароларга муносиб пенсия тўлаш ва пенсия хизмати сифатини оширишга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Оценка системы социальной защиты в Узбекистане. На базе основного диагностического инструмента (CODI)/ Совместный отчет МОТ, ЮНИСЕФ и Всемирного банка, 2020. – С.4.

2. Конвенция Международной организации труда N102 «О минимальных нормах социального обеспечения» принята в Женеве 28 июня 1952 г. на 35-й сессии Генеральной конференции Международной организации труда). Приложение к разделу XI периодические выплаты типовому бенефициарию. Статья 67. – С. 21.

3. Умурзаков Б.Х. Ижтимоий ҳаёт ва демографик босимлар (<http://xs.uz/uzkr/post/izhtimoij-hayot-va-demografik-bosimlar>).

4. <http://www.xabar.uz/siyosat/prezident-shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlisga-murojaatnomasi>.

5. Marinella Cadoni, Roberta Melis, Alessandro Trudda. Pension funds rules: Paradoxes in risk control. Finance Research Letters 22 (2017) 20–29. P.: 20 <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612316301994>

6. Yibing Chen, Xiaolei Sun, Jianping Li. Pension Fund Asset Allocation: A Mean-Variance Model with CVaR Constraints. Procedia Computer Science Volume 108, 2017, Pages 1302-1307. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S187705091730697X>

7. Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб.: Питер, 2014. – С. 177-236.

8. Федоров Л.В. Развитие систем пенсионного обеспечения: теория, концепции, социальная динамика, бюджетно-финансовое совершенствование. Монография. – М.: РГСУ. 2016. – С. 5-29.

9. Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: КГУ, 2013. – С. 76-80.
10. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: Университет, 2017. – 128 б.
11. Умурзаков Б.Х. Совершенствование системы социальной защиты нетрудоспособных слоев населения в условиях формирования рыночной экономики: автореферат дис. ... кандидата экономических наук : 08.00.10. - Ташкент, 1995. - 22 с.
12. Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его использование в условиях переходной экономики. Автореф. дисс на соис. уч. степ. канд. экон. наук: – Т.: НУУ, 2002. – 20 с.
13. Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2018. – 200 б.
14. Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // Труды ИСА РАН. 2008. № 38. – С. 168-173.; Stalebrink J. Public pension funds and assumed rates of return: an empirical examination of public sector defined benefit pension plans // American review of public administration. 2014. № 1(44). – P. 92-111.
15. [www.oecd.org](http://www.oecd.org). (Официальный сайт Организации экономического сотрудничества и развития).
16. [www.vedomosti.ru/finance/articles/2014/11/25/20-vvp-na-obschestvo](http://www.vedomosti.ru/finance/articles/2014/11/25/20-vvp-na-obschestvo).
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони.
18. <https://ach.gov.uz/uploads/fda09fb9-139f-b11d-ae11-3c8a6565493b.pdf>; «2021 бюджет лойиҳаси бўйича «Фуқаролар учун бюджет» наشري Бирлашган миллатлар ташкилоти тараққиёт дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш» кўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланган.
19. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotning-darajasi-qanday>.
20. Migration and Brain Drain. Office of the Chief Economist. 2019 International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 1818 H Street NW, Washington, DC 20433. – P. 120. (file:///C:/Users/User/Desktop/9781464815065.pdf).